



Иссиқхона ҳам ўзига,
ҳам ўзгага даромад
келтиряпти

3-с.

Ўз қадрини билган одам
ўзгага қарам бўлмайди

4-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2025 йил
26 НОЯБРЬ,
ЧОРШАНБА

Mahalla

№95
(2317)

WWW.UZMAHALLA.UZ

МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!

●●●●● СЕМИНАР

“ХАТЛОВ” БОРАСИДА ҲАМ БИЛИМ ОЛДИК, ҲАМ ТАЖРИБА ЎРГАНДИК”

Кўхна ва навқирон Са-
марқанд шаҳрида халқаро
конференция, анжуманлар,
турли семинарлар, учрашув-
лар ташкил этилиши одатий
ҳолга айланди. Азим кент
жорий йилнинг 22-23 ноябрь
кунлари яна бир муҳим тад-
бирга мезбонлик қилди...



Самарқанд шаҳридаги “Ешлар
маркази”да Уюшманинг
худудий бошқармалари, туман ва
шаҳар бўлимлари масъул ходим-
лари учун ўқув-семинар ташкил
этилди. Унинг очилиш маросими-
да Ўзбекистон маҳаллалари уюш-
маси раиси Қаҳрамон Қуронбоев
бугунги кунда юртимизда маҳалла
тизимига қаратилаётган юксак
эътибор, “еттилик” аъзоларининг
олдида турган долзарб вазифалар
ҳамда ушбу семинарни ўтказиш-
дан кўзланган мақсад хусусида
атрофлича тўхталиб ўтди.
Айтиш керакки, маҳалланинг
ички ресурсларини аниқлаш,
“еттилик” вакилларига ижтимоий
хизмат ва ёрдамлар кўрсатишда
кўмаклашиш, маҳалладаги муам-
моларнинг ўз вақтида, самарали
echилишида давлат органлари ва
ташкилотларининг саъй-ҳара-
катларини бирлаштириш, муво-
фиқлаштириш ва йўналтириб бо-
риш мақсадида Уюшма раисининг
тегишли буйруғи қабул қилинган.
Унда “маҳалла еттилиги” томони-
дан маҳалланинг ички ресурслари-
ни аниқлаш ҳамда уйма-уй юриш
орқали ижтимоий-иқтисодий
ҳолатни акс эттирувчи кўрсат-
кичларни шакллантириш мақса-
дида жорий йил 10-25 декабрь
кунлари “Хатлов” тадбирини
ўтказиш режалаштирилган.

Давоми 2-саҳифада.

●●●●● УЮШМА КЎМАГИДА



ОДАМЛАР ИШОНЧИННИ ОҚЛАМОҚ, ТАЯНЧ ВА СУЯНЧ БЎЛМОҚ — ЭНГ БИРЛАМЧИ ВАЗИФАМИЗ!

Сўнгги йиллардаги ислохотлар
натижасида маҳалла — том маънода халқ
ва давлат ўртасидаги кўприкка айланди.
Одамлар кундалик ташвишлари, турли
ҳаётий масала ва муаммоларига ечим
излаб, ишониб, йиғинларга мурожаат
қилмоқда. Муболағасиз, улар маҳаллани
ўзига суянч ва таянч сифатида кўрмоқда.

Дарҳақиқат, ижтимоий
муаммоларни ҳал этишнинг
мутлақо янги ва ўзига хос тизими
яратилди. “Маҳалла еттилиги” фао-
лиятининг ташкил этилгани ҳамда
жараёнда маҳалла раислари ҳақиқий
ислохотчига айлангани тизим имко-
ниятларини қаррасига оширди. Ўз
навбатида, йиғин раисларига бир
қатор ваколатлар берилгани иш са-
марадорлигини янги босқичга олиб
чиқди. Уларнинг етакчилик қобили-
яти боис маҳалла иши тартибли, ти-
зимли ва самарали йўлга қўйилляпти.

Давлат органларининг маҳал-
лаларга бириктирилган вакиллари
аҳоли муаммоларини ҳал этишга
сафарбар этилди. Ҳар бир раҳбар,
бевоcита пастга, маҳаллага тушиб
ишлай бошлади. Бунинг натижаси-
да одамларнинг ҳаётга, меҳнатга,
ўзининг тақдири ва эртанги кунга
ишончи ортди. Бу, албатта, маҳал-
лаларни жинойatchилик, ишсизлик,
камбағаллик, оилавий ажралиш-
лардан холи худудга айлантиришга
ёрдам бермоқда.

Давоми 2-саҳифада.

БУГУНГИ СОНДА:

Энг олис ва “оғир” йиғин одамлари ободликдан баҳраманд

Энг олис қишлоқлар ҳам
эътибор марказда. Одам-
ларнинг тинч ва фаровон,
бугунги кунидан рози
бўлиб яшаши учун амалий
ҳаракатлар қизғин давом
этяпти. Масалан, “оғир” то-
ифадаги “Дўстлик” маҳал-
ласида аҳоли учун қулай
инфратузилма яратилляпти.

3-с.

Хотиржамлик — халқ учун сарфланган ҳар сонияда

Хонадонларга кириб борар
эканман, одамларнинг кўз
қарашларидан фикрини
англашга ҳаракат қиламан.
Айримлар тўлиб-тошиб,
дардини дастурхон қилса,
бошқалар жонидан ўтиб
кетса-да, “чурқ” этмайди.
Лекин касбимиз барчани
баробар кўриш, ҳаммага
бирдек ёрдам кўрсатишни
тақозо қилади.

7-с.

Ҳар бир учрашув ва суҳбатнинг ўзи катта масъулият

“Мен аввал мактабда ўқи-
тувчи бўлиб ишлаганман.
Шу соҳадан маҳалла тизи-
мига ўтиш мен учун қийин
бўлмади, аммо масъулияти
ва юки анча оғир экани-
ни ҳис қилдим. Одамлар
билан дилдан гаплашиб,
уларнинг имконини очиб
берсангиз, ҳар бир хона-
донда янги ҳаёт бошлани-
шига гувоҳ бўласиз”.

8-с.

●●●●● ТАРТИБ

Жамоатчилик дарахт кесилишига жим қараб туrolмайди

Ўзбекистонда
жамоатчилиكنинг
дарахтлар кесилишига
қарши курашдаги ваколати
кенгайди.

Пап шундаки, “Ўзбекистон
Республикаси Экология ва
иқлим ўзгариши миллий
қўмитаси фаолиятини ташкил
этиш чора-тадбирлари тўғриси-
да”ги Президент қарорига асосан,
ўрмон фондига кирмайдиган
дарахт билан қопланган аҳоли
пунктларининг (шаҳарлар, посёл-
калар ва қишлоқ аҳоли пунктлари)
ер майдонларини олиб қўйиш ва
бошқа мақсадлар учун ажратишга
жамоатчилик томонидан тақиқ
қўйиш бўйича ташаббус киришти
имкони яратилади.

Яъни 2026 йил 1 апрелдан
бошлаб, маҳалла аҳлининг ками-
да 10 фоизи розилик билдирган
тақдирда, маҳалла худудидаги да-
рахтли ер майдонини олиб қўйиш
ва бошқа мақсадлар учун ажра-
тишга тақиқ қиритилади. Бу тақиқ
кадастр базасида ҳам акс этади.
Қарорга кўра, “Soliq” мобил
иловаси орқали жисмоний шахс-
ларга QR-кодди харид чеклари
ва республика худудлари бўйлаб
ички саёҳатлар учун бериледи-
ган кешбэкни ихтиёрий равишда
дарахт кўчатларини экишга
йўналтириш имконияти яратилади.
Юридик шахслар эса дарахтлар-
ни парваришлаш учун харажат
қилганда, бу харажатлари фойда
солиғидан озод қилинади.

Худудларда 2026 йил 1 ноябр-
гача иккитадан маҳаллий аҳа-
миятга эга табиат боғлари ташкил
этилади.



ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

“Mahalla” газетаси ва
“Mahalla ko'zguisi” журнаliga
2026 йил учун ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.

УНУТМАНГ, КЕЛГУСИ ЙИЛДА ҲАМ СИЗНИ
МАҲАЛЛАЛАР ҲАЁТИГА ОИД ТАҲЛИЛИЙ, ИЛҒОР
ТАЖРИБАЛАРГА БОЙ МАҚОЛАЛАР, ХОЛИС ВА
ТЕЗҚОР АХБОРОТ, ҚИЗИҚАРЛИ ХАБАРЛАР КУТАДИ!

ҲУРМАТЛИ РАИС, СИЗ СЕВИМЛИ
НАШРИНГИЗГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗИМИ?

ШОШИЛИНГ!
МАҲАЛЛАНИ
“Mahalla”СИЗ
ТАСАВВУР ЭТИШ
ҚИЙИН...

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
71 233-39-89, 71 233-10-92






Президент Шавкат Мирзиёев Самарқандга ташриф буюриб, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида қатнашди.



Давлатимиз раҳбари “Тошкент шаҳрида экологик вазиятни яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ФАРМОННИ ИМЗОЛАДИ.



АГРАР СОҲАНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Президент Фармони имзоланди.

УЮШМА КЎМАГИДА

СЕМИНАР

ОДАМЛАР ИШОНЧНИ ОҚЛАМОҚ, ТАЯНЧ ВА СУЯНЧ БЎЛМОҚ — ЭНГ БИРЛАМЧИ ВАЗИФАМИЗ!



Исломиддин ХОЛИҚОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Марказий аппарати бўлим бошлиғи.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Статистик маълумотларга эътибор қаратсак, ўтган даврда **4,4 миллион нафар** аҳоли даромадли меҳнатга жалб қилинди. Бу билан ишсизликдан холи ҳудудлар сони ортди. Шунингдек, хатловда **691 мингта оила** “Камбағал оилалар реестри”га киритилди. Олиб борилган сай-ҳаракатлар натижасида жорий йилда **1 435 та маҳалла камбағалликдан холи ҳудуд** бўлди. Барча йиғинларда жиноят сабаблари муҳокама қилиниб, ички ишлар органлари профилактик ҳисобида турган **461 минг 531 нафар шахсга** ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, “еттилик” аъзолари, кўча ва уйбошилар, нуронийлар, имом-хатиб ҳамда отиноийлар бириктирилди. **7 040 нафар** муқаддам судланганлар муаммоси ҳал этилди. *Жумладан, “еттилик” кўмағида 1 905 нафарнинг бандлиги таъминланди, 1 132 нафарига тиббий ёрдам кўрсатилди, 325 нафари тадбиркорликка жалб қилинди, 9 нафарига уй-жой берилди, яна 3 нафарининг уй-жойи таъмирланди, 54 нафар аҳолига ёшга доир нафақа ташинланди, 3 612 нафари ўзини ўзи банд қилди.*

Шу билан бирга, турли хашар ва оммавий тадбирларга **13 минг 443 нафар** муқаддам судланган ҳамда маъмурий назоратда турган шахслар жалб этилиб, улар маҳалла фаолиятига, жамиятга янада яқинлаштирилди. Айниқса, эътибор ва кўмак кўрсатилган **11 минг 499 нафар шахс** келгусида такроран бундай ҳуқуқбузарлик содир этмаслигига замин яратилди. Улар турли халқ сайиллари, байрамларга таклиф этилиб, ўзларини жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида ҳис этидилар.

Бевосита маҳалла раислари ташаббуси билан 12 минг 220 нафар муқаддам судланган ҳамда маъмурий назоратда турган фуқаролар тўй-хашам, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларга, **1 854 нафари** турли танловларга, **12 минг 71 нафари** маънавий-маърифий, **12 минг 513 нафари** спорт-соғломлаштириш тадбирларига жалб этилди.

Профилактик чоралар натижасида илгари судланган фуқаролар томонидан содир этилган жиноятлар сони жорий йилнинг **ўтган 10 ойида 15,5 фоизга** камайди. Мавжуд **9 008 та** маҳалланинг **52,3 фоизи “яшил” тоифага** киритилган бўлса, **42 фоизида умуман жиноят содир этилмади**. Ажрашиш ёқасидаги **39 минг 964 та** оила яраштирилиб, **701 минг 757 нафар** хотин-қизга ёрдам кўрсатилди. **1 670 та** маҳалла оилавий ажралишдан холи ҳудудга айлантирилди.

Бир сўз билан айтганда, маҳалла ўз номига мос тарзда жамиятда тинчлик-тотувлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, миллий урф-одат ва қадриятларни асраб-авайлаш, оилалар жипслигини таъминлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, аҳолининг кундалик муаммоларини ҳал этишда энг яқин кўмакчига айланди.

“Хатлов” борасида ҳам билим олдик, ҳам тажриба ўргандик”

Ахрор ҒУЛОМОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Маҳаллалар фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Семинарнинг биринчи кунинида давлат ташилотлари ва органлари вакиллари, Уюшма масъуллари иштирокчиларга хатлов жараёнларини ташкил этишда эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатлар ҳақида маълумот берди. Жумладан, хатлов ўтказишнинг мазмун-моҳияти ҳамда ташкил қилиш тартиби, янги намунадаги “Маҳалла баланси” кўрсаткичлари тахлили ва маълумотларни шакллантириш босқичлари тўғрисидаги маърузалар тингланди.

Семинарда олган билимларимиз хатлов тадбирларини самарали ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади, — дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Самарқанд тумани бўлими бошлиғи Абдураббор Умаров. — Қолаверса, тадбирда маҳалла фаолиятидаги муҳим жиҳатларга эътибор қаратилди. Хусусан, “Рақамли маҳалла” платформасининг мобил иловаси орқали фуқародан келиб тушган мурожаатни йўналтириш ва маълумотларини тизимга киритиш тартиби батафсил тушунтирилди.

Иштирокчиларга “Рақамли маҳалла” платформасида жорий этилган модуллар ҳамда вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилинган маълумотлар, “Маҳалла баланси”даги мавжуд кўрсаткичларини “Рақамли маҳалла” платформаси орқали

тўлиқ рақамлаштириш тартиблари, платформада жорий этилган “Давомат” ва “Ижтимоий мурожаат” модуллари, маҳалла раиси томонидан ходимларни муаммоли масалаларга йўналтириш, “еттилик” аъзолари ҳисоботини эшитиш тартиби тушунтирилди.

Маълумот учун, “Хатлов” тадбири давомида шакллантирилдиган “Маҳалла баланси” муҳим ҳисоблашиб, ушбу баланс ўзида маҳалла ҳақида умумий маълумотлар, яъни маҳалла ташкил топган йил, умумий ер майдони, ихтисослашуви, кўшни давлатлар билан чегара узунлиги, таркибидаги қишлоқлар, кўча, хонадон, оилалар сони, томорқаси бор хонадонлар, шунингдек, демографик кўрсаткичлар, аҳолининг

этниқ таркиби, ижтимоий ҳолати, бандлик, ижтимоий-маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатлар каби муҳим йўналишларни жамлайди.

Шу билан бирга, маҳалла ҳудудидаги таълим, тиббиёт муассасалари, объектлар сони, маҳалла инфраструктураси, электр, ичимлик сув, газ таъминоти, фуқаролар йиғинининг хизмат биноси ҳамда Кенгаши, асосий фаолият йўналиши бўйича комиссиялар ва жамоатчилик тузилмалари аъзолари сони тўғрисидаги маълумотлар ҳам киритилади. Бир сўз билан айтганда, республика бўйича барча маҳаллалар тўғрисида тўлиқ маълумотлар жамланади ҳамда маҳаллага алоқадор бўлган ҳар қандай ахборотни тез ва осон

аниқлаш имкони яратилади.

Семинарнинг иккинчи кунинида иштирокчилар Самарқанд шаҳридаги “Чармгари” маҳалласи “еттилик” фаолияти ва тизимда олиб борилаётган ишлари, тажрибалари билан яқиндан танишди. Хусусан, “еттилик”нинг йиғинни ишсизлик, камбағаллик, жиноятчилик, оилавий ажралишлардан холи ҳудудга айлантириш, ёшлар тарбияси, миграциядагилар билан ишлаш, томорқадан самарали фойдаланиш борасидаги тажрибалари қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

Жараёнда бўлунгур туманидаги Фозил Йўлдош номидаги маҳалла фаолияти ҳам ўрганилди. Бу ерда “Омбор дафтра”ни юритиш, “Маҳалла баланси”ни шакллантириш ҳамда “Рақамли маҳалла” платформасидан фойдаланиш тартиби амалий жараёнларда кўрсатиб берилди.

Семинар нафақат хатлов жараёнлари бўйича билим олиш, балки ҳудуддаги маҳаллаларда йўлга қўйилган иш тажрибалари билан танишиш имконини ҳам берди, — дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Қўбрай тумани бўлими бош муئاхассиси Севара Йўлдошева. — Тизимдаги ислохотлар аксини танишган маҳаллаларимиз мисолда кўрдик. Ҳудудда бу тажрибаларни оммалаштирамиз. Шу билан бирга, хатлов тадбирларини сифатли, белгиланган меъёрлар асосида ташкил этишга интиламиз.

Семинарнинг якуний қисмида ҳар бир иштирокчи олган билимлари асосида ҳудудда амалга ошириладиган ишлар бўйича тахлилий маълумот тайёрлади. Қатнашчиларнинг ёзган маълумотларига асосан, уларнинг фаолиятига баҳо берилди.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ЧУСТ ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

ҲУНАРМАНДЧИЛИК ЛОЙИҲАЛАРИ ЖАДАЛ РИВОЖ ТОПЯПТИ

Чуст — қўли гул ҳунармандлар масканидир. Бежирим дўппи ҳамда каштачилик буюмлари, совғабоп миллий пичоқлари унинг “ташриф қоғози”га айланган. Эътиборлиси, аждодлардан қолган бу мерос авлодлар қўлида янада сайқал топмоқда.

Нилуфар РАҲИМОВА, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Чуст тумани бўлими бошлиғи.

Жорий йил яна бир ташаббусга қўл урилди. Ҳунар эгаларини қўлаб-қувватлаш, уларга қўлай меҳнат шaroити яратиб бериш мақсадида туман ҳудудидан ўтган катта автомобиль йўли ёқасида “Ҳунармандлар шаҳарчаси” барпо этишга киришилди. Янги маскан учун ажратилган 16,6 гектардан иборат майдонда ҳозирга қадар кичик устакхона ва ўз ҳовлиларида шугўлланиб келаётган ҳунармандлар учун ҳар бири беш сотихдан 169 та лойиҳа майдони ажратилмоқда.

Ихтисослаштирилган шаҳарчада, биринчи навбатда, миллий ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш йўлга қўйилади. Бу билан тадбиркорларнинг дўппичилик, пичоқчилик, заргарлик, зардўзлик, ўймакорлик каби йўналишлардаги лойиҳалари ижросига кенг йўл очилади. Улар ҳудудда барпо этиладиган кўп қаватли уйларнинг пастки қисмида устакхона ва дўконларини жойлаштиради, бинонинг юқори қаватларидан хонадонлар ўрин олади.

Туманда ишсизлик ва камбағаллиқни қисқартиришга жиддий киришилган. Масалан, “Ўзар” маҳалласи ҳудудидаги 3 гектар ер майдони 20 нафар ишсиз ёшга берилганди. Улар помидор, булғор қалампири, қалампир экиб, мўл ҳосил олишди.



Жумладан, Ҳилола Хусниддинова “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида помидор экиб, 30 миллион сўм даромад топди.

Шунингдек, маҳаллаларда кичик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоғи ривожланмоқда. “Пансада” маҳалласида жойлашган бўш бинада янги тикувчилик корхонаси иш бошлагач, эркаклар учун мавсумий кийимлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. “Аъло барака бренд” масъулияти чекланган жамиятига субсидия асосида 40 та замонавий тикув машинаси ажратилиб, кооперация шаклида 55 та иш ўрни яратилди.

“Ташаббусли бюджет” лойиҳаси ҳудуддаги муаммоларни ҳал этишда муҳим янгилик бўлди. Бу жараёнда ҳар бир фуқаро ўз овози билан йўллар таъмирланиши, маҳалла марказлари қурилиши, боғча ва мактабларни жиҳозлаш каби лойиҳаларни амалга оширишда бевосита иштирок этмоқда. Масалан, “Ерқишлоқ”даги ўзгаришлар фикримиз тасдиғидир. Айни пайтда Наврўз кўчасида 3,2 км. ички йўл асфальтланди. “Янгиер” маҳалласи аҳолисини эса узоқ йиллардан бери, ичимлик сув муаммоси қийнаб келарди. “Ташаббусли бюджет” орқали 5,2 км. узунликда янги тармоқ тортилди.

“Коракўрғон” қўшни Қирғизистон билан чегарадош маҳалла бўлиб, унинг ўртасидан ҳудудни иккига ажратиб турувчи Қўсраксой ўтган. Қуйи ва юқори қисмини боёловчи ягона кўприкни шу пайтгача аҳолининг ўзи хашар йўли билан таъмирлар, айрим йилларда катта сел уни оқизиб кетаверарди. Одамлар маҳалла марказига бориб келишга қийналарди. Бугун узоқ йиллик ана шу муаммо барҳам топди. Бюджет маблағи эвазига замонавий кўприк қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Саҳифани “Mahalla” муҳбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.

Анорчилик оилавий бизнесга айланган

Маҳалла аҳолиси “рўзғор юкини енгиллатиш ёки тўй-маъракалар учун қўшимча даромад топишим керак” деб иш излаб, хорижга боришга жуда ҳавасманд эмас. Тўғрида, бунинг учун ўз оиласи бағрида, маҳалласида шароит бўлгач, ўзга юртларда ёлланиб ишлашга не ҳожаат? Чиндан ҳам, моддий аҳволини яхшилаш учун турли имкониятлар бор. Фақат бунинг учун озгина ҳаракат керак, холос.



Гулчеҳра АЗИЗОВА, Чуст туманидаги “Қайирма” маҳалласи раиси.

Маҳалламизда ўз ҳаракати билан турмушини фаровон, рўзғорини бут қилиб яшаётганлар кўпчилиқни ташкил этади. Улар ўз уйда, фарзандлари бағрида хориждагидан кам маблағ топмаяпти.



Президент фармониға кўра, ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИ СУҒУРТАСИ ЖАМҒАРМАСИ ташкил этилади.



Давлатимиз раҳбари фармони билан СУДЬЯЛАРНИ НАВБАТДАГИ 10 ЙИЛЛИК МУДДАТГА тайинлаш (сайлаш) тартиби бекор қилинди.



“Давлат хизматлари ягона реестрини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низом давлат рўйхатидан ўтказилди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
БЕРУНИЙ
ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

АНЪАНАВИЙЛИК МАЪҚУЛ, АММО
ФОЙДАЛИ МАҲСУЛОТЛАР УНДАН АФЗАЛРОҚ

ИССИҚХОНА ҲАМ ЎЗИГА,
ҲАМ ЎЗГАГА ДАРОМАД КЕЛТИРЯПТИ

ЛАВҲА

Оллаёр Собиров эрта баҳор маҳалла кўмағида ҳовлисиға қуриб берилган 1 сотихли иссиқхонасида ишни помидор, баклажон ва булғор қалампири кўчатларини етиштиришдан бошлади. 10 минг донадан кўпроқ кўчатни маҳалла аҳолиси учун арзон нархларда сотиб, ҳам ўзи, ҳам фуқароларнинг фойда қўришиға замин яратди. Деҳқон бир мавсумнинг ўзида бу ердан 15-20 миллион сўм даромад кўришға эришди. Ҳозир у иссиқхонаға помидор ва бодринг эккан.

Эркабой ШОМУРОДОВ,
Беруний туманидаги
Саркоп овул фуқаролар йиғини раиси.

Миршорқоқ фақат бу билан чегараланиб қолаётгани йўқ. Ховлисидаги 8 сотихли ҳамда ижараға берилган 9 сотихли майдонлардан пешма-пеш ҳосил олиб, рузғорига барака киритяпти. Шу тарзда у йиллик даромадини 50 миллион сўмдан оширишни уddалайпти.

Бу — бир фуқаронинг ўз меҳнати ортидан эришаётган ютуқлари. Жорий йилда маҳалла ташаббуси билан Оллаёр Собировдан ташқари яна 9 кишининг томорқасига иссиқхона қуриб берилди. Уларнинг барчаси берилган имкониятдан унумли фойдаланиб, янги тажриба орттирди.

Шу каби ижобий натижаларға гувоҳ бўлаётган бир қанча аҳоли вакиллари идорамизға иссиқхона қуришда ёрдам беришимизни сўраб келишяпти. Бу анъанани давом эттирган ҳолда

келгуси йилда яна 20 та эҳтиёжманд оила учун 1 сотихли иссиқхона қуриб беришни режалаштирганмиз. Умид қиламизки, кичик бу ёрдам келажакда ўзининг катта натижаларини кўрсатади.

Фаолиятимиз давомида ижтимоий химоя йўналиши бўйича кўзга кўринарли лойиҳаларни амалға оширяпмиз. Жумладан, маҳалланинг 10 фойзли бюджет даромади хисобидан 4 нафар боқувчисини йўқотган, ночор кун кечириётган аёлнинг уйига кўёш панеллари ўрнатиб берилди. Бу биров бўлса-да, оила даромадини тежашға ёрдам беряпти.

“Камбағал оилалар реестри”ға киритилган аҳоли вакиллари қўлаб-қувватлаш мақсадида 20 та хонадонға 40 бошдан тухум қўядиган товۇқ тақдим этилди. Мана, орадан уч ой вақт ўтиб, ҳамма парранда парвариши бўйича етарли малака ва тушунчаға эға бўлди. Жумладан, ногиронлиги бўлган фуқаро Баҳодир Аширов кунига 20-25 дона тухум йиғиб олади. Рўзгоридан ортганини қўни-қўшниларига сотиб, пул ишлаяпти. Унга берилган ногиронлик араваси ўз севибли машғулоти билан шуғулланишида катта ёрдам беряпти.

Жорий йилда бўш турган 2,5 гектар ерни 8 нафар ёшға ижара асосида бўлиб бердик. Улар ғайрат қилиб, “Бир контур — бир маҳсулот” тамойили асосида тарвуз етиштиришди. Фойдасидан ўзлари хурсанд.

Келгусида овулимизнинг чекка, 300 дан ортиқ хонадон жойлашган ҳудудида амалға оширишни режалаштирган ишларимиз бор. Биринчи навбатда, бошланғич синф ўқувчилари учун мактаб ҳамда боғча керак. Қолаверса, маҳалламиздаги 50 фойз уйларни газлаштириш зарур. Умумий инфратузилмани яхшилаб, яшил энергия тарғиботини кучайтирмоқчимиз.



Маҳалла раиси — шарафли ва машаққатли касб. Унинг зиммасига халқнинг фаровон турмуш кечиришини таъминлаш, ночорларни қўлаб-қувватлаш, адашганларға йўл кўрсатиш, ёшлар онгига миллий қадриятларнинг аҳамиятини чуқурроқ сингдириш, оилалар мустақамлигини таъминлаш каби залворли вазифалар юклатилган. Бунинг учун бизға барча шароитлар ва имкониятларнинг яратиб берилаётгани эса қувонарли.

ЛАВҲА

Эргаш БОЗОРБОВЕВ,
Беруний туманидаги
У. Жуманиёзов номидаги маҳалла раиси.

Айни вақтда ҳудудимизда 5 700 нафар аҳоли истиқомат қилади. Улар, асосан, деҳқончилик, чорвачилик ҳамда боғдорчилик йўналишларида меҳнат қилиб, даромад топиб келяпти. Одамлар йилдан-йилға янги тажриба ва лойиҳаларға қўл уриб, натижаларини яхшилашға ҳаракат қилляпти.

Мансур Курбонбоев бир неча йил чет элда ишлаб келди. Маҳалламизға қайтгач, жамғарган маблағларидан унумли фойдаланиш мақсадида катта қурилиш бошлади. У барпо этган маҳалла гузарига сартарошхона, тикувчилик цехи, озиқ-овқат дўкони, автомобилларға хизмат кўрсатиш шоҳобчаси каби йўналишлар фаолияти йўлға қўйилиши назарда тутилган. Янги йўналишларнинг очилиши орқали қанчадан-қанча иш ўринларининг очилаётгани айни мuddа бўляпти. Қолаверса, тадбиркорликни бошламоқчи бўлганларға ҳам бу қулай имконият тақдим этиляпти.

Яна бир ташаббускор фуқаро Шерали Жуматов ҳам халққа хизмат қилиб роҳатланади. Яқинда у замонавий кўрinishдаги икки қаватли иморатни қуриб битирди. Тез орада бу ерда ёшлар учун компьютер саводхонлик курслари ўз фаолиятини бошлайди. Келгусида тажрибали мутахассисларни жалб қилган ҳолда иштиёқмандларға “IT” йўналиши бўйича кенг қамровли билим беришни режалаштирганмиз.



Одамлар йилдан-йилға янги тажриба ва лойиҳаларға қўл уриб, натижаларини яхшилашға ҳаракат қилляпти.



Хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг даромад топишиға кўмаклашиш, ижтимоий аҳволини янада яхшилашға қаратилган амалий ишлар натижасида маҳаллаларда аёллар тадбиркорлиги янада кенгаймоқда. Хусусан, Шимом овул фуқаролар йиғини ҳудудида 3 900 нафар хотин-қиз истиқомат қилади. Ҳудуддан “Аёллар дафтари”ға киритилган 180 нафар хотин-қиз тадбиркорлик бошлаш истагини билдирган.

Бахтиёр СЕЙТИМОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Беруний тумани бўлими бошлиғи.

Хунармандчилик йўналишида кўзга кўринарли натижаларға эришиб келаётган Айгул Бегманова Шимом овул фуқаролар йиғинида яшайди. У тўқувчилик, сунъий гуллар ва заргарлик буюмларини ясаш билан машғул. Ёшлигидан ўрганган хунари бугунга келиб оиланинг асосий даромад манбаига айланган бўлиб, ўз фарзандларига ҳам ўргатишни йўлға қўйган. Қўл меҳнати асосида аёллар кийимларига би-серлар қадаш, турли тақинчоқлар ва сунъий гуллар ясашни шоғирдларига ўргатиш билан бир қаторда, ҳозирда гилам тўқиш сир-синаотларини ҳам эгалламоқда.

Навойи овулида аҳоли сони 7 753 нафарни ташкил этади. Ҳудуднинг асосий “драйвер” соҳалари — деҳқончилик, чорвачилик, савдо ва хизмат кўрсатиш бўлиб, бу йўналишда бир қанча янги тажрибалар йўлға қўйилмоқда.

Ҳоким ёрдамчисининг маълумотиға кўра, ҳудудда ғалланинг ўрниға экилган сабзавот-полиз маҳсулотларининг ҳосили жорий йилда анча юқори. Масалан, “Иззат Жуманиёзов” фермер хўжалиги 3 гектар ерга эккан сабзи, турп, шолғом ва қарам каби маҳсулотлари мўл-кўл ҳосил берган. Айниқса, бу ҳудудда сабзи жуда кўп етиштирилади. 3 гектар ердан 90-100 тонна сабзи олинади. Йиғиб-териб олинган ҳосил музлатгичларда сақланади.

Насли чорва боқиб, уни кўпайтириш билан шуғулланаётган Сапаргул Жамолова хонадонида зотдор қорамоллар боқилади. Кунига 30-40 литр сут соғилиб, дўконларға топширилади. Чорванинг қиш фасли учун озуқаси ғамланиб, шарт-шароитлари яратилган. Насли чорвани кўпайтириб, уни сотиб даромадини эзгу ишларға сарфлаётган хонадон эгаларининг келажакдаги режалари катта. Замонавий фермер хўжалиги ташкил қилиб, юртимизнинг чорвачилик йўналишиға муносиб ҳисса қўишини мақсад қилган. Ҳудудларда аҳолининг бугунги кундаги ислохотлар билан ҳамоҳанг яшаётгани, бу йўлда бирлашиб ҳаракат қилаётгани барчамизни қувонтиради.

Брокколи, бу — қарамлар оиласига мансуб сабзавот бўлиб, ватани Италия ҳисобланади. Ҳозирда деярли барча мамлакатларда етиштирилади. Парҳезбоп мақкур полиз экинни бугунги кунда Қорақалпоғистон шароитида ҳам етиштирилиб, тажрибали томорқачилар уни ички бозор ва экспортға йўналтиришни бошлаган.

Туманимиздаги “Бирлик” маҳалласида яшовчи намунали томорқачи Йўлдош Наримбетов брокколи етиштиришда 3 йиллик тажрибаға эға. Бу борада ўрганган билимлари жорий йилда етиштирган ҳосилида ўз натижасини берди. Миришкор 1,5 гектар майдондан 15 тонна ҳосил йиғиб олди.



Бу тажрибани кейинги йилларда бошқа маҳаллаларда ҳам йўлға қўйишни мақсад қилганмиз. Одамларни анъанавий полиз маҳсулотларини етиштиришдан кўра, сердаромад экинларни экишға тарғиб қилмоқчимиз. Бу борадаги кўникмаларни ошириш аҳолининг янада фаровон турмуш кечиришиға, даромадли бўлишиға, ердан самарали фойдаланишиға асос бўлиб хизмат қилишиға ишонамиз.

“МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?”

“Mahalla”
МУТОЛААСИГА
ИШТИЁҚИМ
ЎЗГАЧА



Одилбек ТОЖИБОВЕВ,
Беруний туманидаги
Тинчлик овул фуқаролар йиғини раиси:

— Сув ичиш, кунлик таом истеъмолни инсоннинг табиий эҳтиёжи ҳисобланади. Бу унинг соғлом турмуш кечириши, тўлақонли меҳнат билан шуғулланиши учун қувват манбаи. Мутлолаа эса онгимизни чарқлайди. Йўракимизни ўткирлаштириш, фикрлар теранлиғига эришишда ўзимиз учун ўқинишнинг кунлик меъёрини белгилаб олишимиз мақсадаға мувофиқ бўлади. Бунда бадиий асар, илмий-оммабоп китоблар ёки нашрлар муҳим аҳамият касб этади.

Шу маънода биз “еттилик” вакиллари тумани фаолиятини ёритиб келаётган “Mahalla” газетасини бошқача иштиёқ билан мутлолаа қиламиз. Охири вақтда ҳар бир тумандаги маҳаллалар ҳаётини алоҳида ва ўзига хос тарзда ёритилиши юртимизда олиб борилаётган ислохотлар ҳақида ёрқин тасаввур ҳосил қилишимизға ёрдам беряпти. Қолаверса, бошқа маҳалла ходимларининг тажриба ва малакасини ўрганишда муҳим дастак бўляпти. Севибли нашримизға анъанани давом эттирган ҳолда келгуси йил учун ҳам обуна бўлдук.

Саҳифани
“Mahalla”
Шахноза
РАҲИМХУҲАЕВА
тайёрлади.





Вафот этган шахсларни дафн этишга рухсат бериш ва рўйхатга олишни рақамлаштириш қаратилган ЯНГИ ЭЛЕКТРОН ХИЗМАТЛАР жорий қилинади.



ХИВА ШАҲРИДАГИ ИЧАН-ҚАЛЪА МАЖМУАСИ жаҳонда ягона бўлган иммерсив ва “ақлли” музей-шаҳарга айлантирилади.



Реципиент ва донорларни тиббий текширувлардан ўтказиш ҳамда ТРАНСПЛАНТАЦИЯ АМАЛИЁТИ УЧУН тиббий хулосалар бериш тартиби белгиланди.

4

№95

| 2025 йил 26 ноябрь, Чоршанба

Mahalla

ФАРҒОНА
ВИЛОЯТИ
ҚУВАСОЙ
ШАҲРИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

МЕҲНАТ БИЛАН УМРИДАН МАЪНО ТОПГАН ОДАМЛАР КЎП

Қувасой шаҳри нафақат саноати, балки қишлоқ хўжалигида ўзининг серхосил боғлари ва тотли мевалари билан ҳам танилган. Шу сабабли соҳани ривожлантиришга эътибор берилляпти. Еттита мевани қайта ишлаш корхонаси иш бошлаган бўлса, 18 та тадбиркорлик субъекти экспорт фаолияти билан шуғулланыпти. Мева-саб-завот сақлашга мўлжалланган 25 та музлаткичли омборхона бунёд этилди.



Зайлобиддин АБДУРАҲМОНОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Қувасой шаҳар бўлими бошлиғи.

Олмалар ўзига хос мазаси, табиийлиги ва сифатли ҳосили билан алоҳида ажралиб туради. Шубҳасиз, мева етиштириш ва экспорт қилиш бўйича Қувасой етакчи ҳудуд сифатида бой тажрибага эга. Айниқса, шафтоли, гилос, олмага хорижда ҳам талаб ортиб бораёпти.

Ана шундай омилкорлар яшайдиган “Боғбон” маҳалласининг “ўсиш нуқтаси” — боғдорчилик. Бу ерда кейинги йилларда малина ва қулупнай етиштириш жадал ривожланыпти.

Хусусан, 350 га яқин оила малиначи-

ликка ихтисослашган. Шу боис Италия, Туркиядан келтирилган экспортбоп навлардан йилига икки-уч маротабагача ҳосил олинапти. Тармоқни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида маҳаллада “Ширин малина боғлари” ишлаб чиқариш кооперацияси ташкил этилган.

Рўзибой Мамажонов оила аъзолари билан бирга 50 сотих ерда қулупнайнинг хориждан келтирилган ўнлаб турини парваришлайди. Икки йилдан буён Италиянинг серхосил навларини маҳаллийлаштириб, йилига икки-уч маротаба ҳосил олишга эришляпти.

Ҳадичахон Асланова эса ўз хонадонидан узумчилик билан шуғулланиб келяпти. Меҳр билан парваришлаб йиғиб олинаётган ҳосил маҳалладошлар ва харидорларнинг дастурхонини безаяпти.

“Полмон” маҳалласи ўзига хос географик жойлашуви, сўлим табиати билан ажралиб туради. Худуднинг тупроғи унумдор. Шу боис бу ернинг турғунлари боғдорчилик, деҳқончиликда яхши тажриба ва шунга яраша даромадга эга.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан вақтинча ишсиз, аммо, деҳқончилик қилишда тажрибаси бор ёшларга ўзи яшайдиган маҳалла ҳудудидан унумдор ер ажратилиши полмонлик ёшлар учун яхши имконият бўлди. Йил бошида 18 нафар йигит-қизга 6 гектар экин ери берилганди. Озодбек Раҳмонов ана шу ташаббус сабаб мулкдорга айланди. “Бир маҳалла — бир махсулот” тамойили асосида тарвуз экиб, яхши даромад оляпти.

Меҳнат қилган инсон касал бўлмайди, қаримайди, дейди “Қалача” маҳалласида яшовчи 90 ёшли меҳнат фаҳрийси Мамаюнус Мамаюсупов. Бу отахоннинг хонадонига кирсангиз, шу ёшда қилаётган ишларидан ҳайратга тушасиз. 2 сотихли иссиқхонадан 35-40 миллион сўм соф фойда қиялпти.

Маҳалла тизимидаги ўзгаришлар одамлар дунёқарашида ҳам акс этяпти. Буни “Янгибод” маҳалласида истиқомат қилувчи Моҳира Маражапова тақдири мисолида кўриш мумкин. Бу қиз 2-гуруҳ ногирони. Аслида давлатдан кўмак олиб, яшаса ҳам бўларди. Аммо имконсизлиқни меҳнати ва ҳаракати билан катта имкониятга айлантира олди. Атрофдагилар унга эмас, у атрофдагиларга ёрдам берапти. Олий маълумотли мутахассис сифатида 17-мактабда логопед бўлиб ишлайди, абитуриентларни имтиҳонларга тайёрлайди. Бундан ташқари, сунъий гуллар ясаб, яхшигина даромад топяпти. Иккита шогирди ҳам бор.

Ўз навбатида, маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш, бу йўналишдаги муаммоларни бартараф этишга ҳам жиддий эътибор берилляпти. Мисол учун, “Сўфон” маҳалласида истиқомат қилувчи аҳоли бир ёқадан бош чиқариб, кам бўлмаяпти. Янги маҳалла биноси қурилишида барча иштирок этяпти. Бундан ташқари, хизмат кўрсатиш объектлари қуриляпти, ҳудуддаги савдо мажмуаси таъмирланыпти. “Кўчқорчи” маҳалласида иш бошлаган “Маҳалла сервис компанияси” аҳолининг оғирини енгил қиялпти.

ТАЖРИБА

ҚИР-АДИРЛАР ҚИЗҒИН ҲАЁТ ИФОРИГА БУРКАНГАН

Асли Қирғизистон Республикасидан бўлган 87 ёшли Аслон Акимов Қувасойга 6 ёшлигида кўчиб келган. Нуроний Ўзбекистонни “ватаним”, дейди. Шу ерда улғайди, таълим олди, ўзидан кўпайди. Катта оиланинг пиру бадавлатига айланди. Отахон билан суҳбатлашсангиз, унинг дилидаги шукроналик, мамнунлик сизга ҳам кўчади.

Мафтуна МАМАСИДДИҚОВА,
Ўзбекистон
маҳаллалари уюшмаси
Фарғона вилояти бошқармаси
ахборот хизмати раҳбари.

тузилма билан боғлиқ муаммолар ҳал этилди. Бундан аҳоли жуда мамнун.

Худудда маҳалладошларига ёрдам бериш, қийналганларга кўмаклашиш, яқини ёки танишининг қорига яраш одатга айланган. Бу жараёнда “маҳалла еттичилиги” ташаббускор бўлаётгани янада қувончли.

Нилуфар Тожибоева узоқ йиллардан бери жуда эски, авария ҳолатидаги уйда яшарди. Таъмирлашга маблағ топилмасди. Маҳалла раиси Иқбол Нишонқуловнинг ташаббуси аёл ва унинг оиласини кўп йиллардан буён қийнаб келган муаммога ечим бўлди. Саховатпешалар кўмағида оилага янги



“Қамбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида қилинган ишлар натижасида қийинчиликлар ортда қолди. Қир ва адирлар орасидаги чегарадош маҳаллага ислохот нафаси кириб келди. Аввало, тоза ичимлик сув тармоғи тортилди, йўллар асфальтланди. Суғориш қудуғи қазилди, инфра-

4 хонали уй қуриб берилди.

Маҳалла аҳли ўз тадбиркорлиги, яратиб берилаётган имтиёз ва имкониятлар туфайли турмуш фаровонлигига эришляпти. Ишонсизми, ҳудудда бугун қамбағал оила, ишсиз йўқ, маҳалла жиноятчиликдан холи. Ҳамма меҳнат билан банд.

“МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?”

“Mahalla” — беминнат маслаҳатчи, яқин дўстимизга айланган”



Азизахон УМАРОВА,
Қувасой шаҳридаги
“Муян” маҳалласи раиси:

— Яқинда “Аёллар дафтари”да рўйхатда турувчи фуқаро маҳалла кўмағида тадбиркорлик фаолиятини бошлади. Қисқа фурсатда ўзи билан яна бир неча нафар хотин-қизлар бандлигини таъминлади. Бинодан ижара асосида фойдалангани учун бироз қийналиб қолди. Унга қандай ёрдам беришни ўйлаб турганимизда,

“Mahalla” газетаси орқали бино ва иншоотлар учун ижара тўловидан имтиёз борлигини билиб олди.

Зудлик билан масъул идораларга мурожаат қилиб, ижара асосида фойдаланаётган давлат мулкидаги бинога 50 фоиз миқдорда ижара ҳақи ундирилишга эришдик.

Гувоҳ бўлганингиздек, севимли нашримиз фаолиятимизда кўп марта асқатади. Аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, илгор тажрибаларни ўрганиш, ташаббусларни оммалаштиришда “Mahalla”га етадиган нашр йўқ.

Шу боис ҳар йили биринчилар сафида обуна бўламан. Бу билан ҳар икки нашр йил давомида беминнат маслаҳатчи, яқин дўстимга айланади.

ИБРАТ

Аҳоли томорқадан йилига тўрт мартагача ҳосил олади. Баҳона излаб, бировга қарам бўлишини ўзига уят билади. Тўғри, аввал бундайлар йўқ эмасди. Оз бўлса-да, ишламай, яхши яшашни истаганлар топиладди. Бугун бундай инсонлар қолмаган. Бунинг учун ҳар бир фуқаро билан юзма-юз суҳбатлашиб, хоҳиши, имконияти ва эҳтиёжини ўргандик. Шунга қараб, амалий ёрдам бердик. Масалан, ҳудуддаги қаровсиз ерда ташкил этилган 2 гектарли иссиқхонада Жанубий Корея тажрибаси асосида гидропоника усулида помидор етиштирилмоқда.

Ўз қадрини билган одам Ўзгага қарам бўлмайди

Алишер МАМАТБУБАЕВ,
Қувасой шаҳридаги
“Паkana” маҳалласи раиси.

Замонавий мезонлар бўйича барпо этилган иссиқхонада энергия тежамкор жиҳозлар, иситиш ва совитиш тизими ўрнатилиб, томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинган. Натижада йилига икки-уч маротаба ҳосил олинаиб, экспортга йўналтирилади.

“Ҳамза экспорт арт текстил” масъулияти чекланган жамияти қошидаги ушбу иссиқхонада 14 та доимий иш ўрни яратилган. Шунингдек, кунига 10 нафар маҳаллий ёш мавсумий ишга жалб этилади.

Илк бор Нидерландиядан келтирилган серхосил помидор пишиб, пешма-пеш хориж бозорларига жўнатилди. Баҳорги мавсумда 70 тоннадан зиёд ҳосил экспорт қилинди.

Яна бир қувончли воқеалик ишсизлик муаммосига ечим бўлиши кутилмоқда. Худуддаги “Қўқон” эркин иқтисодий саноат зонаси филиалида “FERGANA TULPOR MACHINERY” масъулияти чекланган жамияти томонидан қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳасининг қурилиш ишлари бошланди.

Етти гектар майдондаги лойиҳа қиймати биринчи босқичда 30 миллион долларни ташкил қилади. Кейинги босқичларда янада кенгайиб, уч йилда 300 миллион сўмга етказилади. Муҳими, 250 та янги иш ўрни яратилади.



Шу кунларда яна бир хайрли ишга қўл урилди. Унга кўра, мазкур масканда Корея Республикасининг “Hansae Mobility” компанияси билан ҳамкорликда автомобиль эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Лойиҳанинг биринчи босқичида 120 та, умумий ҳисобда эса 200 тадан ортиқ иш ўрни яратилиши режалаштирилган. Корхона 2026 йилда тўлиқ ишга тушириш мўлжалланган. Яқин истиқболда корхона атрофида қўшимча ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш инфра-тузилмаларини барпо этиш ҳам кўзда тутилган.



Саҳифани
“Mahalla”
муҳбири
Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.



Хар йили энг яхши 10 тагача туристик стартапларга 1 МИЛЛИАРД СЎМДАН КЎП БЎЛМАГАН микдорда субсидиялар ажратилади.



2026 ЙИЛ ОХИРИГАЧА Тошкентда дендропарклар ва янги ботаника боғи, сояли хиёбонлар, “яшил йўлак” ва “яшил белбоғ” яратилади.



Тошкент ва Чорвоқ ўртасида ЯНГИ ПУЛЛИ ЙЎЛ қурилади. 56 километр узунликдаги трасса ҳозирги йўлга муқобил бўлади.

ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ПИСКЕНТ
ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

ЭНГ ОЛИС ВА “ОҒИР” ЙИҒИН ОДАМЛАРИ
ОБОДЛИКДАН БАХРАМАНД



Юртимизнинг ҳар бир ҳудудида бўлгани каби Пискент туманидаги маҳаллаларда ҳам кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширил-
япти. Маҳаллалар инфратузилмаси ва аҳолини узоқ йиллардан буён қийнаб келаётган ижтимоий-иқти-
содий муаммолар босқичма-босқич ҳал этиляпти.

Хикматжон ИСАМУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари
уюшмаси Пискент тумани
бўлими бошлиғи.

Бугун тумanning энг олис қишлоқлари ҳам эътибор марказда. Одамларнинг тинч ва фаровон, бугунги кунидан рози бўлиб яшаши учун амалий ҳаракатлар қизгин давом этапти. Масалан, “оғир” тоифа рўйхатиға киритилган “Дўстлик” маҳалласида аҳоли учун қулай инфратузилма яратил-
япти. Бу ерда фуқароларға хизмат кўрсатиш учун замонавий маҳалла идораси қурилиб, “маҳалла еттилиги” учун зарур қулайликлар яратилди.

Шунингдек, ушбу тоифа-
ға киритилган “Файзобод”, “Ғайрат”, “Дўнгқўрғон” ва “Чимқўрғон” маҳаллаларида

аҳолининг томорқа ерларига оқова сув чиқариш мақсадида иккита трансформатор, иккита насос ўрнатилди. 8,3 километр ариқлар бетонланиб, 650 метр суғориш тармоқлари тортилди. Натижада тўртта маҳалладаги 1 429 та хонадоннинг 140,9 гектар томорқа ер майдонларида экин экиш ва даромад олиш имконияти яратилди. Мисол учун, “Файзобод” маҳалласининг Қашқадарё қишлоғида яшовчи Мирвоҳид Муродалиев, Қаҳрамон Эргашев, Файзулла Утаев, Абдулла Давлатов ва Даврон Утаевлар хонадонлари атрофидаги фойдаланилмай ётган ариқ-зор-
вурларда ўрдақчилик ташкил

қилинди. Муқаддас Холикова-
нинг томорқасида икки сотих иссиқхона ташкил қилиниб, 10 сотих ер майдонида бод-
ринг, помидор ва булғори қал-
лампари етиштирилиб, йилги икки марта ҳосил олин-
япти. Натижада оиланинг йиллик даромади томорқа ер майдонидан самарали фойдаланиш ҳисобига 50-60 миллион сўмға етди.

Бугунги кунда “оғир” тоифа-
ға киритилган олти та маҳал-
ладаги 1 332 та хонадоннинг электр таъминотини яхшилаш учун 32,2 километр электр тармоғи тортилиб, 9 дона трансформатор, 663 дона таянч устунлар ҳамда 1 051 дона тунги ёритиш чироклари ўрнатиляпти.

Шунингдек, “Лола ариқ”, “Дўстлик”, “Чимқўрғон”, “Қўл-
ота”, “Култепа”, “Мустақиллик”, “Оқтом”, “Тараққиёт” ва “Саид-
обод” маҳаллаларида 88 кило-
метр ичимлик сув тармоқлари тортилиб, 14 дона сув қудуқла-
ри ҳамда 16 километр оқова

сув тармоқлари қурилди. Шу тариқа аҳолини марказлашган ичимлик сув билан таъминлаш даражаси 71 фоизға еткази-
либ, 27 минг нафар аҳоли илк бор тоза ичимлик суви билан таъминланди ҳамда 12 минг нафар аҳолининг тоза ичимлик суви таъминоти яхшиланди.

Бундан ташқари, учта мактаб, учта боғча, иккита соғлиқни сақлаш муассасалари замонавий талаблар асосида таъмирланди. Электр таъмино-
тини яхшилаш бўйича маҳал-
лаларда 36,2 километр тармоқ ва 11 дона трансформатор, 1000 дан зиёд симёғочлар бетон устунларға алмаштирил-
ди. Туман аҳолисиға табиий газ етказиб бериш сифати яхшиланиб, “Митан” ва “Оқтепа” маҳаллаларида 3,5 километр газ тармоғи янгиланди. 23 та маҳалланинг 122 та кўчаларидаги тупроқ ва шағалли 91,7 километр ички кўчалари асфальт қилинди. “Истиклол”, “Оқтепа”, “Лола ариқ” маҳаллаларидаги тўртта кўприк таъмирланди.

Маҳалланинг ижтимоий-
иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан маҳаллаларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, мебель жиҳозлари ва компьютер жамлағмалари билан таъминланди. Йиғин би-
ноларига 12 дона кўёш панели қўйилди. Шунингдек, маҳалла-
лар ҳудудига 12 та видеокуза-
тув камераси ўрнатилди.

Асосий мақсадимиз — тад-
биркорлик ва саноат лойиҳа-
ларини қўпайтириш, қишлоқ хўжалиги, инфратузилма ва туризм соҳаларини ривожлан-
тириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва уй-жой билан таъминлаш. Шу орқали туман-
ни камбағаллик, ишсизлик ва жиноятдан холи ҳудудға айлан-
тиришдир.

ТАЖРИБА

Ўртак бўлсак,
ўргатишға
қийналмаимиз

Митанликларнинг 65 фоизи турли давлат ташкилотларида ишлайди. Бироқ тўққиз юзға яқин хонадон эгалари томорқаларида помидор, бодринг, пиёз, қулупнай, кўзизкорин экишади. Шунингдек, чорва моллари, товۇқ ва бедана боқишади.



Асрор ПЎЛАТОВ,
Пискент туманидаги
“Митан” маҳалласи раиси.

Шахсан ўзим 6-7 бош насли бука боқиб, аҳолини сифатли гўшт билан таъминляпман. Томоркамда олма, ўрик, шафтоли, нок, анор каби 50 хил мева-
ли дарахлар ҳосил-
ға кирган. Бир қисмида малина, уч сотих иссиқхонада қулупнай пишиб-етилмоқда. Йил давомида ҳосил берадиган ушбу янги навадга қулупнайнинг таъми ва сифати зўр, 3-4 кунлаб ўз хусусиятини йўқот-
майди. Унинг бир килосини 130 минг сўмдан сотаяпмиз.

Маҳаллада ишбилармон одам-
лар кўп. Масалан, Садриддин Салоҳидинов ҳоким ёрдамчиси тавсияси билан 33 миллион сўм кредит олиб, ўз хонадонига 5 минг қопчада кўзизкорин етиштиришни йўлга қўйди. Садриддин бу йил 70-80 миллион сўм даромад ол-
моқчи. Ундан кўни-кўшнилар таж-
риба орттириб, кўзизкоринчиликни янги “драйвер”ға айлантиришяпти.



Яна бир хунарманд маҳалладошимиз — Ҳусан Тоиров чавандозлар учун махсус этик тиякпти. Қувонарлиси, унинг бу махсулоти кўшни — Қозоғистон ва Қирғизистон давлатлариға экспорт қилинмоқда.

Эътиборлиси, Ҳамза кўчамиз “Обод хонадон”, “Обод кўча” ва “Обод маҳалла” кўрик-танловининг туман босқичида “Обод кўча” йўна-
лишида ғолиб бўлди. Эндиликда қолган кўчаларни ҳам ана шундай обод, кўркем кўчаға айлантираимиз.

Саҳифани
“Mahalla”
мухбири
Рустам
ЮСУПОВ
тайёрлади.



“Mahalla”ни танлаб адашмаганман...”



Гулбаҳор ҒУЛОМХОНОВА,
Пискент туманидаги
“Бекобод” маҳалласи раиси,
“Маҳалла ифтихори” кўкрак
нишони соҳибаси:

— Узоқ йил маҳалла тизимида ишлаб кели-
шимда “Mahalla” газетаси ва “Mahalla ko'z'gisi” журна-
лининг ҳам ўз ҳиссаси бор, десам адашмайман. Чунки ушбу нашрларни мутлоқ қилиш жараёнида соҳамизға

ойид қарор ва фармон ҳамда қонунлардан тўлиқ хабар-
дор бўляпман. Шунингдек, республикаимизнинг турли ҳудудларида меҳнат қила-
ётган ҳамкасбларимнинг иш тажрибаларини ўрганиб боряпман.

Бир неча бор ўзимизнинг иш тажрибаларимизни ҳам “Mahalla” газетасида эълон қилганмиз.

Шу ўринда маҳаллам ҳақи-
да қисқа тўхталиб ўтсам.

Йиғин “драйвери” — узумчилик, кўкатчилик ва тикувчилик. Деярли барча хонадон то-
морқаларида узум етишти-
рилиб, йилига 40-50 миллион сўмгача фойда олишади.

Йиғин аҳолисининг томорқа маданияти яхши ри-
вожланган. Масалан, куз ойи-
да узум ҳосилини йиғштириб ол-
гач, ток оралариға тўқсон-
бости экинлар экишиб, эрта баҳордан рўзғоридан орта-
нини бозорларға чиқаришади.

Бекободлик аҳоли хонадон-
ларининг яримида катта-кичик иссиқхоналар мавжуд. Уларда бодринг, помидор, булғор қалампир, қулупнай, салат барги, турли кўкатлар ва гул кўчатлари парваришлаб, шунинг ортидан турмуши фаровон бўляпти.

Қувонарлиси, яқинда “Обод хонадон”, “Обод кўча” ва “Обод маҳалла” кўрик-танловининг туман босқичида ғолиб бўлди.

Бу хонадонда бўш одам, бўш вақт ва бўш ер қолмаган

Хаста Бузрук кўчасидаги 65-уйда яшовчи Дониёр Мирҳолиқов “Обод хонадон”, “Обод кўча” ва “Обод маҳалла” кўрик-танловининг туман босқичида “Обод хонадон” йўналиши бўйича биринчи ўринни олди.

Дониёр АБДУЛЛАЕВ,
Пискент туманидаги
“Мўминобод” маҳалласи раиси.

Ушбу хонадонға кирсангиз, баҳри дилингиз яйрайди. Ҳамма нарсa тартибли жойлаштирил-
ган. Ранг-баранг гуллар кишиға ўзгача кайфият бағишлайди. Томорқанинг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланил-
ган. Бу ерда олти хил махсулотдан йил давомида ҳосил олинади. Мўжазгина

иссиқхонасида саримсоқпиёз, кўк пиёз, укроп, помидор, бодринг, қарам, хуллас, барча сабзавот ва полиз экин-
лари баравж ривожланмоқда. Хонадон эгалари пишиб-етилган махсулотлар-
ни Пискент, Бўқа ва Олмалик туманла-
ридаги бозорларда сотишади.

Оила бекаси Дилноза Мирҳолиқо-
ва томорқа ерларидан бўш вақтлари тикувчилик билан шуғулланади. Кечки пайтда ҳам бўш ўтирмайди, турли ширинликларни қадоклаб, дўконларға етказиб беради. Томорқа этагида қо-
рамоллару паррандалар боқилляпти.



Бугун мўминободликларнинг саксон фоизи давлат ишларида ишлайди. Бироқ томорқа ерларида узум ва турли хил полиз ва сабзавот экинлар экишни қанда қилмайди.

Маҳаллада мунтазам ободон-
лаштириш ишлари олиб борил-
япти. Хусусан, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида хонадонларға 800 туп мева-
ли, 600 туп терак кўчатлари тарқати-
либ, экилди. Айни пайтда Алишер Навоий номидаги (собиқ Ёшлар) боғи ҳудудида ободонлаштириш ва таъмирлаш ишлари олиб

борилиб, аҳоли учун маданий ва оилавий ҳордиқ чиқариш имко-
ниятлари яратилляпти.

Шахсан ўз ташаббусим билан Абдулла Алавия 1-тор кўчасини “Киберхавфсиз” кўчаға айлантир-
дик. Бунинг учун кўчанинг кириш қисмиға сўнгги русумдаги замо-
навий видеокузатув қурилмаси ўрнатилди. Бу кўчаға бирор киши қирадиган бўлса, ушбу қурилма ёрдамида шу ерда яшовчиларнинг телефон рақамиға “SMS” хабар ке-
лади. Шу орқали фуқаролар кўчаға ким, нима билан келгани ҳақида хабардор этилади.

Бугун Мирҳолиқовлар оила-
сидан ўртак олаётганлар кўпай-
моқда. Демак, тез орада маҳалла-
миз янада обод ва файзли йиғинға айланади.



МИЛЛИЙ ТУРИЗМ
ЯГОНА ПЛАТФОРМАСИ
орқали айрим
туристик хизматлар
“проактив шаклда”
кўрсатилади.



Декабрь ойидан
Қозоғистоннинг
Туркистон шаҳридан
Урганч, Бухоро ва
Самарқандга
ПАРВОЗЛАР ЙЎЛГА
ҚЎЙИЛАДИ.



ТОШКЕНТ — АНДИЖОН
ПУЛЛИ ЙЎЛИ узунлиги
314 километр бўлади.
Бу йўлга сарфланадиган
вақт 2 соат 14 дақиқани
ташкил этади.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ САРИОСИЁ ТУМАНИ:

●●●●● ТАНЛОВ

РАЙҲОН ИСИ КИРГАН УЙДАН ОБОДЛИК АРИМАЙДИ

Сўлим боғ, ям-яшил дарактлар,
қийғос очилган гуллар кимнинг
ҳам эътиборини тортмайди,
дейсиз. Уларга қараб, кишининг
баҳри дили очилади. Айниқса, кўча
бўйларига экилган райхонлардан
тараладиган хушбўй ифори
айтмайсизми. Бир он сизни
болалик йилларингизга элтгандек
бўлади.



Назокат ҚЎЛДОШЕВА,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Термиз шаҳар бўлими етакчи мутахассиси.

Хар бир маҳаллада шундай ўзига
хос мухитни барпо қилиш мақ-
садида ҳудудларда “Обод хонадон”, “Обод
кўча” ва “Обод маҳалла” кўрик-танлови
ташкил этилмоқда. Бу тизим ходимларининг
фаолият самарадорлигини ошириш, наму-
нали маҳаллалар тажрибасини оммалашти-
ришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Сурхондарё вилояти туман ва шаҳар-
лари, барча маҳаллаларида мазкур танлов
кўтаринки қайфиятда ташкил этилди. Уларда
иштирокчилар ўз ҳудудда амалга оширган
ободонлаштириш ишлари, қўламазор-
лаштириш ташаббуслари, инфратузилмани
яхшилаш борасидаги ютуқларини тақдим
этди. Шунингдек, намунавий хонадонларда
яратилган шароитлар, тозалик ва тартибни
комиссия аъзолари юқори баҳолашди.

Мисол учун, танловнинг Термиз шаҳри
боқичи “Гулистон” маҳалласида ўтказилди.
Иштирокчилар белгиланган шартларда ўз
имкониятларини намойиш этишди. Яқиний
натижаларга кўра:

- “Обод хонадон” йўналиши бўйича 1-ўринни Термиз шаҳридаги “Қокилдорота” маҳалласида яшовчи Абдурашул Отамуродов оиласи кўлга киритди. Уларнинг томорқадан унумли фойдаланиши, ховлисида барпо этилган боғдаги дарактларни меҳр билан парвариш қилаётгани бошқаларга намуна сифатида кўрсатилди;
- “Обод кўча” номинациясида Термиз шаҳридаги “Жўйжангал” маҳалласида Нурафшон кўчаси кўчабоқиси Марям Ҳасанова ғолиб, деб топилди. Фаол бу фуқаронинг ўз ҳудудини ободонлаштириш учун қилган хизматлари муносиб рағбатлантирилди;
- “Обод маҳалла” йўналиши бўйича Термиз шаҳар “Гулистон” маҳалласи раиси Дилдора Раҳмонова тажрибаси 1-ўринни кўлга киритди.

— Биз суяги меҳнатда қотган авлод вакилларимиз, — дейди Марям Ҳасанова. — Болалигимиздан ота-онамиз озодаликка ўргатган. Ховлимизда кишин-ёзин гуллар очилиб турарди. Дадам ҳар йили баҳорда янги мевали дарактларни бошқача иштиёқ билан ерга қаарди. Уларни меҳр билан парваришлаб, ҳосилини кўни-кўшнларга улашарди. Шу анъанани муносиб тарзда давом эттирган ҳолда, мен ҳам кўчаларга ниҳоллар ўтказишда ташаббус кўрсатяман. Келин ва қизларимиз кунига икки маҳал эшик олди-ларини супуришди. Кичик ёшли болалардан тортиб кекса нурунийларимизгача ерда ахлат ётганини кўрса, олмасдан кетмайди. Ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди ҳамда улар танловнинг вилоят боқичида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлишди.

№95 | 2025 йил 26 ноябрь, Чоршанба

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Ўзгаришлар бир-икки йиғин билан чекланиб қолгани йўқ

Бошқаларга ёрдам
беришнинг завқи
қанчалик ширин
бўлишини биласизми?
Сиз сабаб кимнингдир
ҳаётига мазмун
кириши, яна бировнинг
муаммолар гирдобидан
чиқиб кетиши нақадар
яхши.

Сухроб ШЕРАЛИЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари
уюшмаси Сарисийё тумани
бўлими бошлиғи.

Бугун маҳалла тизими-
да ишлаётган фидойи
ходимлар бу туйғунни ҳар кун
ҳис қилишади. Хонадонма-хо-
надон юрар экан, эҳтиёжманд
кишиларни қўллаб-қувват-
лайди, қувонарли натижага
эришаётган оилалар тажри-
басини аҳолига намуна қилиб
кўрсатади.

Туманимиздаги барча
маҳаллаларда иш шу зайлда
ташкил этилган. “Еттилик”
вакиллари инсон манфаат-
ларини ҳар нарсадан устун
билиб, қўлидан келганча
қўмаклашяпти. Хусусан, “Боғи
шамол” маҳалласи раиси
Фотима Ҳамдамова ташаббуси
билан уйда ёнгин содир бўл-
ган аёлнинг хонадонини тўлиқ
таъмирдан чиқариб берилди.



Фуқаро яқка-ёлғиз яшаётгани
инобатга олиниб, уни ҳомий-
лар доимий равишда озиқ-
овқат маҳсулотлари билан
таъминлаб келяпти.

Мазкур маҳалланинг Нас-
тарин ва Бахт кўчаларидаги

хонадонларнинг ташқи фасади
таъмирланиб, ҳудуднинг
кўриниши янада кўркамлаш-
ди. Қолаверса, “Яшил макон”
лойиҳаси доирасида мунтазам
равишда мевали ва манзарали
даракт кўчатлари экиляпти. Бу



анъана тобора аҳоли орасида
ҳам урфга айланиб, ўз ҳовли-
сида боғ барпо этиш истағида-
гилар сони ортиб бораёпти.

Аҳоли бандлигини таъмин-
лаш, уларнинг касб ва ҳунар
эгаси бўлиши кунимизнинг
долзарб масалаларидан
бирига айланган. Шу мақсадда
“Боғи шамол” маҳалласида ис-
тикомат қиладиган бир нафар
ёшга ссуда асосида компьютер
жамланмаси ҳамда бир нафар
аёлга тикув машинаси тақдим
этилди. Жорий йилда мактаб-
ни битирган Севинчой Ҳаби-
буллаевага эса асаларичилик
билан шуғулланиши учун
имтиёзли равишда 70 мил-
лион сўм миқдорида кредит

ажратилди. Ҳозир у 28 қути
асаларини парваришлаб,
яхшигина даромад топишни
бошлади.

“Боғи обод” маҳалласида
ҳам эътиборга молик ишлар
талайгина. Масалан, “Қамбағал
оилалар реестри”га киритилган
бир хонадонда эр ва хотин
ногиронлиги бўлган фуқаро си-
фатида рўйхатга олинган. Улар-
нинг яшаш шароитини яхши-
лаш ва даромадини ошириш
мақсадида вояга етган ўғли
хусусий фирмага ишга жой-
лаштирилди. Кичик фарзанди-
нинг эса тил ўрганиш курсида
имтиёзли таҳсил олиши учун
шароит яратиб берилди. Бу
кўрсатилган хизматлар фуқа-
роларнинг фаровон турмуш
кечиришига туртки бўлди.

Ишлайман, меҳнат қила-
ман, деган одамга бугун барча
шароит мўжайё. Шунга кўра,
мазкур ҳудудда яшайдиган
9 кишига ижара асосида ер
тақсимлаб берилди. Қола-
верса, 50 кишига мавсумий
фойдаланиши учун майдонлар
ажратилди. Астойдил ҳаракат
қилганлар бундан унумли
фойдаланиб, қўшимча даро-
мад олишга эришди.

Юқорида тилга олинган
ўзгариш ва ислохотлар бир
ёки иккита маҳалла билан
чекланиб қолаётгани йўқ.
Уларнинг кўлами жуда кенг.
Эътиборга молик жиҳати, халқ
улар учун ҳаракат қиладигани-
мизни тушуниб етаяпти. Бизга
дастак бўлиб, ҳар бир янги
ташаббусни амалга оширишда
елкама-елка меҳнат қиляпти.

●●●●● МАНЗАРА

ХОТИРЖАМЛИК — ХАЛҚ УЧУН САРФЛАНГАН ҲАР СОНИЯДА

Бир неча йил
давомида
хотин-қизлар
йўналиши-
да фаолият
юртдим.
Уларнинг
ўй-хаёллари,
ташвиши ва
муаммолари-
дан яхшигина
хабардор-
ман. Бу таж-
риба раис
лавозимида
иш бош-
лаганимда
жуда асқатди.

Зебо МЕЛИБОЕВА,
Сарисийё туманидаги
“Маъданкон” маҳалласи раиси.

Хонадонларга кириб
борар эканман, одам-
ларнинг кўз қарашларидан фик-
рини англашга ҳаракат қиламан.
Айримлар тўлиб-тошиб, дардини
дастурхон қилса, бошқалар
жонидан ўтиб кетса-да, “чурак” эт-
майди. Лекин касбимиз барчани
баробар кўриш, ҳаммага бирдек
ёрдам кўрсатишни тақозо қилади.
Шу боис гапирмайдиганларнинг
кўнглидан кечираётган дардини
англаш учун кўпроқ вақт ажра-
тамыз. Мен одамлар учун сарф-
лаган ҳар бир сониямни унумли
ўтказдим, деб биламан. Сабаби,
бу кимнингдир хотиржамлиги,
яна бировнинг тўкин-сочин ҳаёт
кечиришига хизмат қилади.

Бу ёндашув ўзининг ижо-
бий натижасини кўрсатаётгани
қалбларимизни ғурурга тўлдир-
ди. Одамларга яқин бўлиш орқали
жиноятчиликни тўлиқ бартараф
этишга эришдик. Оқирғи йиллар-
да оилавий ажрашвлар умуман
қайд этилмапти. Низо ва ўзаро
келишмовчиликлар ҳам йўқ.
Ҳамма бир тану бир жон бўлиб,
жамият равнақи йўлида меҳнат
қиляпти.



Халқимизда “Бирлашган
ўзар...”, деган ибора бор. Бун
амалда тўлиқ ифодасини
кўрапмиз. Жорий йилда
маҳалладошларимиз билан
бирга 1,3 гектар майдонда
боғ барпо этдик. Экилганига
уч йил бўлган дарактлар
нишона кўрсатишни бошлади.
Бу ҳали ҳаммаси эмас.

Туман ташаббуси билан
ташкил этилган “Менинг боғим”
номли танловда иштирок этиб,
250 миллион сўм маблағ ютиб
олдик. Бу ҳудудимизни яшил ма-
конга айлантириш учун қўшимча
қўмак бўлди.

Ҳудудимизда ишлаб чиқариш
яхши йўлга қўйилган. Хусусан,
Феруза Холиқова тажрибали
тикувчи сифатида анчадан буюн
фаолият юритиб келаётган эди.
Унга имтиёзли тарзда тақдим
этилган кредит имконият эшиқла-
рини очиб берди. 6 та чок маши-
на харид қилиб, тадбиркорлигини
йўлга қўйди. Ҳозирги кунда
9 нафар ишчиси билан касалхона
ва Мурувват уйлари учун ётоқ
тўпламлари ва махсус кийимлар
тиқиш билан шуғулланыпти.



Аҳоли билан ишлаш жараё-
нида кам таъминланган оила
вакиллари қўллаб-қувватлаш-
га алоҳида эътибор қаратамиз.
Масалан, 3 нафар ногиронлиги
бўлган хонадонга 5 кВт. қувватга
эга қуёш панели ўрнатиб берил-
ди. Бундан ташқари, ҳудудимизда
истикомат қиладиган 79 нафар
имконияти чекланган кишига
барча керакли хизматлар кўрса-
тиляпти. 142 та кам таъминланган
ва эҳтиёжманд оила вакиллари
куз-қиш мавсуми учун бир мил-
лион сўмдан компенсация тўлаб
берилди.

Маҳалламизда ичимлик
сув масаласида ҳал қилиниши

керак бўлган муаммолар мавжуд.
Қолаверса, оқова сув етишмов-
чилиги ҳам мавжуд. Бу аҳолининг
томорқа ерларидан самарали
фойдаланиши учун тўсиқ бўляпти.
Келгуси йилда шу ҳаби халқни
қийнаётган масалаларга ижобий
ечим топиш учун ҳаракат қиламиз.

Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Шаҳноза
РАҲИМХУҲАЕВА
тайёрлади.



●●●●● “МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?”

“Mahalla”дан ўрганганим панд бермаган”



Боймуҳаммад САИДОВ,
Сарисийё туманидаги
“Боғи Ширин” маҳалласи раиси:

— Бугун маҳаллага қаратилаётган
эътибор, аҳоли вакилларига яратиб
берилаётган имкониятлар ўз
самарасини кўрсатишни бошлади.
Биргина деҳқончилик йўналишини
оладиган бўлсак, миришкорларимиз
кичик томорқасидан ҳам қайта-
қайта ҳосил олиш кўникмасига эга
бўляпти. Шунинг ортидан рўзғорида
барака, бозорларимизда тўкин-

сочинлик ҳужмрон.

Ҳудудимиздаги кам таъминланган
59 та оилага ижара асосида берил-
ган 17 сотихли ерларда бу йил “Бир
контур — бир маҳсулот” тамойили
асосида қарам ва пивэ етиштирилди.
Бу ўзаро тажриба алмашиш ҳамда
харидорларни жалб этишга ёрдам
беряпти. Қолаверса, бандлик кўрсат-
кичининг ортиб бораётгани бошқа
муаммоларни бартараф этишда ҳам
муҳим аҳамият касб этапти. Хусусан,
маҳалламизда жорий йилда жинойат-
чилик ва ажрашвлар умуман қайд

этилмади. Миграцияда юрган 70 на-
фар фуқаронинг 45 нафари юртимиз-
га қайтиб келди. Ҳозир улар ўз оиласи
бағрида, қизиқишидан келиб чиқиб,
турли соҳаларда фаолият юртияпти.
Бундай натижаларга эришишнинг
замирида “еттилик” ходимларининг
ўзаро ҳамжўхатлиги, ўқиниш ва изла-
ниш ётибди. Фаолиятимиз давомида
тизим наشري ҳисобланган “Mahalla”
газетасидан кўп фойдаланамиз. Ундан
турли масаладаги саволларимизга тў-
лиқ жавоб толамиз. Шу боис газетамиз
доимий равишда обуна бўламиз.



ЯНГИ ТЕЗИЮАР
ТЕМИРЙЎЛДА
Тошкент ва Самарқанд
ўртасидаги қатнов
вақти 1,5 соатгача
қисқартирилади.



Ўзбекистон ва
Қозоғистон куз-киш
мавсумида Қирғизистонга
ЭЛЕКТР ЕТКАЗИБ БЕРАДИ.
Ўрнига вегетация
даврида сув олади.



Фавворалар мавсуми
тугаган бўлишига
қарамай, Тошкентда
ҳаво ифлосланишини
камайтириш учун
47 ТА ФАВВОРА
ИШГА ТУШИРИЛДИ.

Mahalla

№95

| 2025 йил 26 НОЯБРЬ, ЧОРШАНБА

7

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
БЎЗАТОВ ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

БИЗ ЯРАТГАН МУҲИТ — РАҚАМЛАРДА ЭМАС, ҲАР БИР ОИЛАДАГИ АҲИЛЛИКДА МУЖАССАМ

Маҳалла, бу — миллатимизнинг юраги, халқимизга хос қадимий анъана ва маънавият тимсолидир. Ҳар бир ишни маҳаллада, халқ билан бирга амалга ошириш бугунги давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Қуралбай КАЙПОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Бўзатов тумани бўлими бошлиғи.

Бўзатов туманининг бешта маҳалласида ҳам шу руҳ, шу ҳаракат, шу масъулиятни ҳис қилиш мумкин. Жорий йилнинг ўтган даврида маҳаллалар ҳаётида муҳим ўзига хослик — тизимлилик ва манзиллилик тамойили бўйича иш юритилди.

Аввало, ҳар бир йиғиннинг 25 та йўналиш бўйича тўлиқ баланси шакллантирилди ва 400 дан ортиқ рақамли кўрсаткичлар ягона маълумотлар базасига киритилди. Бу иш



амалга оширилгач, ҳар бир оиланинг ижтимоий ҳолати, эҳтиёжи, дарди ва интилиши акс этган “Омбор дафтари” яратилди. Энди ҳар бир фуқаро, оила бўйича аниқ маълумот мавжуд ва муаммоларни ҳал қилишда бу жуда муҳим имконият яратмоқда.

Шу маълумотлар асосида маҳаллалар бўйича алоҳида “йўл хариталари” ишлаб чиқилиб, кунлик, ҳафталик ва ойлик иш режалари орқали “еттилик” фаолияти баҳолаб борилди. Яъни муаммо борми, уни ечиш билан бирга, кўриб чиқиш,

натيجани вақтида бериш асосий вазифага айланди. **Аҳоли бандлиги масаласи — “еттилик” фаолиятининг марказида.** Йил бошида 706 нафар ишсиз фуқаро рўйхатга олинган бўлса, ҳозирга қадар уларнинг 410 нафари иш

билан таъминланди. Йил якунигача қолган ишсиз аҳоли вакиллари банд қилиш бўйича аниқ режа ва манзилли ҳаракат амалга оширил-япти. Зотан, ишга кирган, топиш-тутиши тайин бўлган инсоннинг кўнгли хотиржам бўлади, бу эса оиладаги барқарорликка, маҳалладаги тинчликка хизмат қилади.

Оилавий тотувликни таъминлаш — маҳалла фаолларининг вазифаси. Туманда 15 та нотинч оила аниқланиб, имом-хатиблар, отиноийлар, психологлар ва профилактика инспекторлари билан биргаликда иш олиб борилди. Натижада иккита оила яраштирилди. Айрим маҳаллалар, жумладан, “Аспантай”, “Кўксув” ва “Кушанатов” йиғинларида бирор-та оилавий ажралиш ҳолати қайд этилмагани ҳам буларнинг амалдаги самараси ҳисобланади. Туманда ажралишлар сони ўтган йилга нисбатан 5 тага камайди.

Яна бир жиҳат — туман Халқ қабулхонасига келган муурожаатлар сони жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 200 тани ташкил этган. Бу — ўтган йилга нисбатан 52,8 фоизга кам. Демак, муурожаатлар маҳалланинг ўзида ечим топапти. Муҳими, муурожаатларнинг 71 фоизи ижобий ҳал қилинган. Бу халқнинг ишончи ва тизимнинг самараси ортиб бораётганидан далолат.



Қисқача айтганда, ўтган даврдаги фаолият — рақамларда эмас, балки ҳар бир хонадоннинг деразасидан кўринаётган ободликда, ҳар бир оиладаги аҳилликда, муҳитдаги хотиржамликда, намоён бўлмоқда. Маҳалла, бу — шунчаки биз яшайдиган жой эмас, балки биз яратган муҳит. Агар бизнинг меҳримиз, эътиборимиз ва масъулиятимиз кўп бўлса, маҳалла ҳам шунча нузли бўлади.

●●●●● НИГОҲ

Ҳар бир учрашув ва суҳбатнинг ўзи катта масъулият

Маҳалламизда 6 730 нафар фуқаро яшайди. Ер кам, сув кам, лекин шукри, меҳнат кўп. Деҳқончилик, чорвачилик бор, асосий экинлар — сув кам талаб қиладиган кунгабоқар, дон ва майда сабзавотлар. Сабзи, помидор, бодрингни ҳам ҳар бир хонадон ўз эҳтиёжига яраша экиб, озиқ-овқатини таъминлайди.

Маргулан АПСАМЕТОВ,
Бўзатов туманидаги
“Эркиндарё” маҳалласи раиси.

Деҳқончиликдан ташқари, асаларичилик ривожланаётир. Кўпгина оилаларда асалари бор, оила тебратадиган, кўнглига таскин берадиган даромади ҳам мана шу машаққатли, лекин ширин касбда.



Албатта, ҳаёт ҳар жойда бир хил — ишсизлик бизда ҳам бор. Аммо қўл қовуштириб ўтирмаймиз. Маҳалламизда 140 га яқин кам таъминланган оилалар бўлган бўлса, бугун уларнинг 40 дан ортиғи турли машғулотлар билан банд: кимдир томорқада, кимдир парранда боқиб, кимдир кредит олиб, кўлига ишини олган. Айрим

хонадонлар товук боқиб, тухумдан даромад қиляпти. Илгари “бир-иккита товук боқар эдик”, деган оила бугун “тухумни сотиб, яна 10 та жұға олдик”, дея хурсанд бўлиб келади. Мен аввал мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаганман. Шу соҳадан маҳалла тизимига ўтиш мен учун қийин бўлмади, аммо масъулият ва юки анча оғир

эканини ҳис қилдим. Маҳалла — одамларнинг хизмати, ташвиши, тирикчилиги ва орзу-умидлари жамланган маскан. Шу боис бу ишда ҳар бир учрашув, ҳар бир суҳбатнинг ўзи катта масъулият. Одамлар билан дилдан гаплашиб, уларнинг имконини очиб берсангиз, ҳар бир хонадонда янги ҳаёт бошланишига гувоҳ бўласиз.



Ана шу жиҳатдан уларга ўз таклифларимни бердим: тadbиркорликни ривожлантириш керак. Оддий мисол — сут. Бир литр сутнинг ўзи эмас, балки ундан олинадиган қаймоқ, сарийёғ, творог — мана шу маҳсулотлар даромад. Уй шароитида ҳам-масини қилиш мумкин. Одамларга шуни тушунтирмоқдамиз: “Сутни сотиш билан чекланиб қолманг, уни бойликка айлантиринг!”

Яна бир йўналиш — қовун коки. Бозорда нархи яхши, харидори кўп. Мен одамларга: “Бозордан қовун олинг, қоқи қилинг, даромадга эга бўлинг”, деб тарғиб қилдим. Бугун икки нафар фуқаро мен билан бирга шуғуллиниб, бозорга чиқаряпти. Улар ҳам, мен ҳам хурсанд. Чунки ҳар бир кичик қадам — бу янги ҳаётнинг бошланиши.

Биз меҳнат қилсак, ҳам-жиҳат бўлсак, ҳар бир хонадонда барака бўлади. Қўлимиздан келганини қиляпмиз, лекин бунга қўшилган ҳар бир фуқаро — бизнинг энг катта ютуғимиз.

Саҳифани
“Mahalla”
мухбири
Шаҳноза
ХАЛИЛОВА
тайёрлади.



●●●●● КЎЗҒУ

“УСТОЗ-ШОГИРД” МАКТАБИ ҲАР СОҲАНИНГ ЎЗАГИГА АЙЛАНГАН

Бизда хизмат кўрсатиш соҳаси асосий ўринда. Эшик-ром ишлаб чиқаришда тажриба орттирган фуқаролар бугун “устоз-шогирд” мактабини қайта жонлантирган. Кимдир 4-5 йиллик тажрибасини ёшларга ўргатяпти, яна кимдир туфли тикиб, оиласига даромад келтиряпти. Ишсизлик камайиб, хонадонлар ўз ризқини топа бошлади.



Бозорбой ҲАБИБОВ,
Бўзатов туманидаги
“Бўзатов” маҳалласи раиси.



Текстиль соҳасида хотин-қизлар бандлиги таъминланган. “Аёллар дафтари”даги опа-сингилларимиз айна йўналишларда ишли қилинди. Улар аёллар кийимларини тикиб, оиласига қўшимча даромад қиратяпти.

Шу билан бирга, аҳоли ердан унумли фойдаланишга интиляпти. Кимдир картошка, кимдир бодринг экиб, яхши даромад олмақда. Иссиқхоналарда қишин-ёзин помидор ва бодринг узилмайди. Биогурус тайёрлаш ҳам кенгайди. Ундан самарали фойдаланиб, ҳосилдорликни оширяпмиз.

Бугун иссиқхонада ўзини ўзи банд қилиш — маҳалланинг энг оммалашган йўналиши. Ҳоким ёрдамчиси фуқароларга 10-15 миллион сўмдан кредит ажратиб, катта кўмак беряпти. Ўтган йили бир фуқарога 50 миллион сўм кредит бериб, иссиқхона очишда кўмаклашган эдик. Мана, бу йил унинг даромади 100 миллион сўмга яқинлашди. Иссиқхонаси бодрингга тўлган. Буни кўргач, бошқаларда ҳам иштиёқ ортди. “Бизга ҳам ўргатинг, биз ҳам бошлаймиз”, деди.



Шундай қилиб, ҳар бир хонадоннинг ризқи ортиб, фарзандларнинг юзи қулса, биз учун бундан катта муқофот йўқ.

●●●●● “МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?”

“Mahalla” билан қарорларим янада мустаҳкам



Айжарик АЖИКОВ,
Бўзатов туманидаги
“Кўксув” маҳалласи раиси:

— Ҳар куни юзма-юз келадиган муаммо ва масалалар орасида одамларнинг дардида

қулоқ тутиш, уларга тўғри йўл кўрсатиш — маҳалла раиси сифатида менинг энг катта масъулиятим. “Mahalla” газетаси шу йўлда менга ишончли таянч ва ҳамкордир.

Кунлик иш жараёнида турли таклифлар, саволлар, баъзан жуда нозик ҳолатлар юзага келади. Ҳар сафар шундай пайтларда газета саҳифаларидан керакли маълумотни, амалда қўллаш мумкин бўлган тавсияларни топаман. Яқинда ёшлар бандлиги борасида бир оилада юзага келган тушунмовчиликка тўғри ечим керак эди. Газетада чоп этилган мутахассис фикри бу ма-

салага ойдинлик киритди, оиланинг ҳам, менинг ҳам ишим анча енгиллашди.

Маҳалламизда соғлом муҳитни шакллантириш, тарбия, яшаш маданиятини ошириш — бизнинг вазифамиз. Бу йўналишда ҳам “Mahalla” амалий ёрдамчимизга айланган. Саҳифаларда чоп этилган мақолалар, ҳаётий мисоллар, таклиф ва фикрлар қўлимизда худди тайёр режадек хизмат қилади. Шу боис мен ҳар йили сеvimли нашримга обуна бўлам. Танловимнинг асосий сабаби битта: “Mahalla” ишимни енгиллаштиради, қарорларимни тажриба ва билим билан мустаҳкамлайди.



ГЎЗАЛ ЭШМИРЗАЕВА
Ўзбекистон тарихида
сурдлимпия ўйинларидаги
илк олтин медаль
соҳибига айланди.



ЖАВОҲИР СИНДОРОВ
2026 йилда
шахмат тожи учун
кечадиган ФИДЕ
номзодлар турнирида
қатнашади.



ШУХРАТ САЛАЕВ
Таиландда ўтказилган
таэквондо WT бўйича
катталар ўртасидаги
Гран-при челленж
мусобақасида
ғолиб бўлди.

“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” — СОҒЛОМ ҲАЁТ ТАРҒИБОТЧИСИ!

СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ

СОВУҚ КУНДА ПАРҲЕЗ ҚИЛИШ ШАРТ ЭМАСМИ?

Тўғри овқатланиш нимани истеъмол қилишдангина иборат эмас, балки ўша маҳсулотни қачон тановул қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Дейлик, совуқ кунларда иссиқлик берувчи таомлар айна муддао. Бундай ҳавода тана исиши учун жуда кўп энергия сарфланади. Тўғри овқатланиш эса организмнинг шамоллаш ва ўткир респираторли инфекцияларга чидамлилигини оширади.

Низом ЭРМАТОВ,
тиббиёт фанлари доктори,
профессор.

Совуқ ҳавода танамиз кўпроқ витамин ва минераллар, айниқса, оксил моддасини талаб қилади. Унинг таркибидаги аминокислоталар иммунитетни кўтариб, микробларга қарши курашда ёрдам беради.

Таркибида иссиқлик сақловчи маҳсулотларга гречка ва жўхори ёрмалари, пиёз, саримсоқпиез, ерқалам-пир, қалампир, зира, туршак, майиз, балиқ, қўй, мол, товуқ гўшти, сут маҳсулотлари, занжабил чойи, арпабодидён чойи ва қаҳва каби маҳсулотлар кирди.



Нутрициологлар вазн ташлаш учун қишда парҳездан фойдаланишни тавсия этмайдди. Аксинча, айнан шу вақтда тана дам олиши ва куч йиғиши керак. Совуқ мавсумда қизил ва қора қалампир, занжабил, долчин каби иссиқ зирavorлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Уларнинг таркибидаги қиздирувчи моддалар овқат ҳазм қилиш тизимининг рецепторларини қўзғаб, қонни томирлар бўйлаб тезроқ айланиши ва иссиқликни таъминлайди.



Сахифани
“Mahalla”
муҳбири
Рустам
ЮСУПОВ
тайёрлади.

Қишда кам миқдорда ёғли гўшт истеъмол қилиб туриш зарар қилмайди. Унда совуққа қарши туриш учун зарур бўлган архидон кислотаси мавжуд. Витаминларга бой мол, қўй жигари қишда “А” витамини манбаи сифатида организм учун зарур бўлади. Хамирли овқатлар ҳам танани иситиш учун хизмат қилади. Бундай таомлар қиш учун жуда мос келади.

Иссиқ, тўйимли овқат истеъмол қилиш қишнинг совуқ кунларида одамларнинг кайфиятига ижобий таъсир қилади. Айниқса, товуқли шўрва танада протеиннинг керакли даражасини сақлаб қолиш учун муҳим таомдир.

Шакар истеъмолини чеклаш саломатлик учун аҳамиятли. Иссиқ ва аччиқ қаҳва танага ундан кўра кўпроқ тетиклик бағишлайди.

Бу борада “маҳалла еттилиги” аъзолари оилавий шифокорлар шитирокида боғча ва мактабларда ота-оналар билан учрашувлар ўтказиб, соғлом овқатланиш ва жисмоний машғулотларнинг аҳамияти ҳақида маълумот бериб борилса, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи янада самарали бўлади.



КАМОНДАН ЎҚ УЗГАН ОДАМ ХОТИРЖАМ ВА РУҲАН СОҒЛОМ БЎЛАДИ

“Алпомиш” достонидаги Ҳақимбек етти ёшида Алпинбий бобосидан қолган бронзадан қўйилган ўн тўрт ботмон (224 килограмм) ёй(камон)ни кўтариб, ўқ узганида отган ўқи яшин тезликда Асқар тоғининг катта чўққиларини юлиб ўтиб, овозаси бутун оламга кетади...

Убайдулла ИМОМҚУЛОВ,
Паралимпия қўмитасининг
камондан ўқ отиш бўйича терма
жамоа аъзоси, мураббий.

Дарҳақиқат, камондан отиш тарихдан ота-боболаримизнинг сеvimли машқи бўлиб келган. Бу машғулот — кўринганидан кўра анча кўп куч ва диққат талаб қилади. У инсонни жисмоний чиниқтиришдан ташқари, ақлий жиҳатдан ҳам ривожланишга ёрдам беради.

Ҳўш, камондан ўқ отиш нима учун керак? Аввало, у хотиржамлик ва ақл кучини ривожлантириш, мушаклар чўзилувчанлигини мустаҳкамлаш, кўз нуруни ва иммунитетни оширишнинг ажойиб усулларидан биридир. Хаттоки шифокорлар ҳам раққослар ҳамда камончиларнинг жисмоний соғлиғи энг яхши

ҳолатда эканини айтишади.

Бундан ташқари, спортнинг ушбу тури нафас олиш ва юрак-қон томир тизимларини яхшилайди. Руҳий мувозанат — камондан ўқ отиш спорти билан шугулланишнинг яна бир ижобий натижаси. Камондан ўқ узган одам хотиржам, ақлли ва руҳан соғлом бўлади. Шу билан бирга, диққатни жамлаш ва ўзига ишончни йўқотмайди. Ушбу спорт турининг тарбиявий таъсирларидан бири, бу — чидамлик ва барқарор техникадан ташқари, вазминлик, ишонч ва хотиржамликни таъминлайди. Камондан ўқ отиш учун кўп

нарсаси керак эмас. Аввало, диаметри 40-122 сантиметр доира нишон зарур. Унга 18-90 метр узокликдан 30 ёки 36 тадан ўқ узиб, очко тўпланади.

Камондан ўқ отишнинг классик ва “compound bow” (имконияти чекланганлар учун) турлари орасида фарқлар бор. Классик тур Олимпия ўйинларига киритилган бўлса, “compound bow” Паралимпия ўйинлари спорт турлари рўйхатидан жой олган. Юртимиз спортчилари — Зиеда-хон Абдусатторова ҳамда Амир-хон Содиқов тарихда илк бор ўтган йили Парижда бўлиб ўтган Олимпиада ўйинларида классик йўналишда қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритди.

Ҳар йили аънавий тарзда Тошкент шаҳрида “Алпомиш ва Барчиной”, Самарқанд шаҳрида аёллар ўртасида “Тумарис кубоги” халқаро турнирлари, Бухоро, Қўқон, Самарқанд ва Хива шаҳарларида “Туризм ва камондан отиш ҳафталиги” ўтказилапти.

Ушбу спорт турини маҳаллаларда оммалаштириш мақсадида умумтаълим мактабларида ёки маҳалла биноси ёнидаги бўш турган майдонларда камондан отиш масканини ташкил этиш мумкин. Бу борада “маҳалла еттилиги”, айниқса, ёшлар етакчиси ташаббусни қўлга олиб, барча ташкилий ишларни амалга ошириши лозим.

ҲИДОЯТ САРИ

Умид АЛИЕВ.
Наманган вилояти:

— Дафн вақтида қабр учун қовланган тупроқдан бир ҳовучига дам солиб, майишнинг олдида ташланганига гувоҳ бўлдим. Уни “дам тупроқ” деб аташар экан. Бу борада динимизда нима дейилган?

ДАМ ТУПРОҚ НИМА?



Ўзбекистон муслмонлари идораси Фатво маркази:

— Шариатимизда “дам тупроқ” деган нарсаси йўқ. Майит қабрга қўйилиб, кўмилаётган маҳалда қилинадиган бошқа бир мустаҳаб амал бор. Бунда қабрнинг бош томонидан уч сиким тупроқ олиб, унга ташланади. Бу амал Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламдан ворид бўлган.

Абу Хурайра розияллоху анхундан ривоят қилинади: “Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам жанозага намоз ўқидилар, сўнг қабрга келиб, унинг бош томонидан уч ҳовуч тупроқ ташладилар” (Ибн Можа ривояти).

Фикҳий манбаларда: биринчи ҳовучни ташлаганда (Сизларни ундан яратдик) дейди. Иккинчисида (унга қайтарамиз) дейди. Учинчисида (ва яна бир бор ундан чиқариб оламиз) [Тоҳа сурасининг 55-ояти] дейди, дейилган.

Кўриб турганингиздек, бу ерда гап тупроққа “дам уриш” ҳақида эмас, балки тупроқни ташлаш асносида ушбу оятларни тилловат қилиш ҳақида бормоқда. Бу мустаҳаб амалдир.



Газетадаги барча мақолалар матнини мусаххих Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.

ТАВСИЯ

Саломатлик учун уч ажойиб маҳсулот

Мавсумий вирус-лардан ҳимояланиш ҳамда иммунитетни мустаҳкамлаш учун табиий воситалардан фойдаланиш муҳим. Бунинг учун қандай маҳсулотларни истеъмол қилиш кераклигини биласизми?



Биринчи ўринда, тухум энг. Чунки тухум тўлиқ оксил манбаи бўлиб, тананинг барча зарур аминокислоталарини ўзида жамлаган. Бу оксиллар иммун тизимини мустаҳкамлайди ва ҳужайраларни тиклайди. Шунингдек, тухумдаги D витамини ва рух танани вирусларга қарши курашишга ёрдам беради. Нонуштада 1-2 донга тухум истеъмоли соғлом одат.

Цитрус мевалар(апельсин, мандарин, лимон)да нафақат C витамини балки, озукавий тоналар ҳам бор. Толалар овқат ҳазм бўлишини секинлаштиради, қон шакарини барқарор ушлаб туради ва ичак микрофлорасини қўллаб-қувватлайди.

C витамини эса танани ҳимоя қилади ва шамоллаш ҳавфини 8 фоизга қисқартиради. Шунинг учун шарбат эмас, айнан мева энг. Унда фойдали

фитонцидлар мавжуд. Ёнғоқ — Омега-3 ёғ кислоталари билан бой бўлиб, томирлар ва юрак соғлиғи учун фойдали. Томирлар тананинг барча жойида бўлгани учун Омега-3 уларни ҳимоя қилади. Атиги 30 грамм ёнғоқ кунлик селень манбаи бўлиб, тананинг ҳимоя кучини оширади ва вируслардан асрайди.

Саломатлик ва стратегик ривожланиш институти.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнер:
Абдулазиз Аҳмедов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК
босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета тахририят компьютер
марказида саҳифаланди ва
офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
8 220 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-1120

